

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-ommabop  jurnal

2014

11

ноябрь

ISSN 2091-554-3

3-бет

Ветеринарга

осон

тутманг

4-бет

Паррандачиларнинг

1-халқаро

Тошкент

анжумани

14-бет

“Учма”га

учраманг

20-бет

Яна сунъий

уруғлантириш

ҳақида

22-бет

Дунё

тажрибаси

31-бет

Асаларичига

маслаҳат

42-бет

Сут оғуга

айланмасин

47-бет

Гейтснинг

деганлари



First Tashkent
INTERNATIONAL POULTRY FORUM

EURASIA 2014

4 - 6 November 2014 Tashkent



УДК:636.7.28

Р.Р. Худоёров, Хоразм вилояти “Чорванасл” корхонасининг рахбари
Б.О. Абдолниёзов, к.х.ф.д., Урганч Давлат университети

ГОЛШТИНЛАШТИРИЛГАН ҚИЗИЛ ЧЎЛ СИГИРЛАРНИНГ ФИЗИОЛОГИК ДАВРЛАР ДАВОМИЙЛИГИНИ ПУШТДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация

В статье говорится о том, что оптимизация продолжительности физиологических периодов оказывает существенное влияние на воспроизводительные качества коров.

Ключевые слова: физиологические периоды, сервис, лактационный, сухостойный, межжельный периоды, первый половой цикл.

Чорвачиликнинг асосий вазифаси сутдор қорамолчилиқ самарадорлигини изчил ошириш билан амалга оширилади, лекин бунинг учун сут маҳсулдорлик даражасини такрор қайта ишлаб чиқариш омиллари оптимизацияланиши лозим. Қорамол маҳсулдорлигини ошириш учун сигирлар репродуктив системаси физиологик имкониятини ўрганиш муҳим омил ҳисобланади. Туғишсиз сигирда сут ҳосил бўлмайди, қайта такрор ишлаб чиқариш сигирни нормал физиологик ҳолати, сут ишлаб чиқиш самарадорлигининг асоси ҳисобланади (Бегучёв А.П., 1974).

Тажриба шунини кўрсатаптики, сигирларнинг маҳсулдорлик даражаси кўпайиши биланок уларнинг пуштдорлиги пасаймоқда. Чунки молларнинг физиологик имкониятлари маҳсулдорлик, пуштдорлик, тез етилувчанлик ва хўжалиқда фойдаланиш хусусияти билан ўзаро алоқаси чегараланган (Дунин И. ва бошқалар, 2013).

Ҳозир кўпгина хўжалиқларда бу борада кийинчилиқлар мавжуд. Улардан бири ҳар 100 бош сигир ҳисобига кам бузоқ олиниши, бузоқларнинг етилмаган ҳолатда туғилишидир. Бундай ҳолат ўз навбатида подани кенгайтишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мақолада биз физиологик даврларга қараб сигирларни бола бериш қобилиятини таҳлил қилдик. Тажриба Хива туманидаги “Аваз Каландар” наслчилиқ фермер хўжалигида қизил чўл ва голштинлаштирилган қизил чўл зотли вояга етган сигирларда ўтказилди. Назорат гуруҳда сервис давр 103 кун, соғимдорлик 296 кун, сутдан чиққан давр 62 кун, 1-тажриба гуруҳида сервис давр давомийлиги 92 кун, соғим давр 298 кун, сутдан чиққан давр 63 кун, 2-тажриба гуруҳида даврлар давомийлиги сервис давр 87 кун, соғим даври 292 кун, сутдан чиққан давр 72 кун давом этган.

Назорат гуруҳи молларидаги сервис давр бирмунча чўзилган, соғим даври эса қисқароқ, сутдан чиққан давр ҳам қисқа, биринчи жинсий майлнинг ифодаланиши 33 кунга, 1 ва 2-гуруҳларда бу кўрсаткич тегишлича 26.5 ва 23 кунга тўғри келди. Сигирларнинг биринчи қочиришдаги оталаниши назорат гуруҳида 39%, 1чи тажриба гуруҳида 66.6% ва 2чи гуруҳда 73%га тенг бўлди. Назорат гуруҳидаги 78.4% сигирлар 2-қочиришдан сўнг оталандилар. 1 ва 2-гуруҳдаги сигирлар натижалли қочирилиш 2 чи қочиришдан сўнг 96.6%ни ташкил қилди. Жинсий майл орасидаги вақт 29.7 кунга тўғри келди. Жумладан, 1-тажриба гуруҳида жинсий майл оралиғи 22.1, 2- гуруҳда 21.8 кунга тўғри келди, бу назорат гуруҳида 7.1 ва 7.9 кун камдир.

Summary

In this article is given the data showing that the optimization of the length of physiological periods has a significant effect on reproductive performance of cows.

1-жадвал

Физиологик даврлар давомийлигига қараб сигирларнинг пуштдорлик қобилияти (3-туғишдан сўнг)

Кўрсаткичлар	Сигирлар гуруҳи		
	Назорат	1-тажриба	2-тажриба
Сигирлар сони, п	10	11	12
Туғишдан сўнг биринчи жинсий майлнинг ифодаланиши	33	26.5	23
Оталаниш, жинсий куйга келгунча % шу жумладан			
Биринчи куйга келиш	39.3	66.6	70.0
Иккинчи куйга келиш	29.1	28.1	21.8
Учинчи куйга келиш	4.2	6.6	6.6
Кейинги куйга келиш	7.1		
Жами қочирилди, %	85.6	96.6	96.6
Жинсий майллар орасидаги вақт, кун	29.7	22.1	21.8
Сервис давр, кунлар	86.6	95.4	93.9

Назорат гуруҳида сигирларни сервис давр давомийлиги 86.6 кунга тенг бўлиб, у 1 ва 2-тажриба гуруҳлардан тегишлича 8.8 ва 7.3 кунга кўпдир. Демак, физиологик давр давомийлиги сигирларнинг пуштдорлик қобилиятига, сут маҳсулдорлик даражасига таъсир қилади.

Қилинган иктисодий ҳисоб-китоблар 1-тажриба гуруҳидаги сигирларнинг физиологик даврлар давомийлигига бошқа гуруҳлардагиларга қараганда кўшимча сут миқдори ҳисобига олинган даромад 10.3 ва 0.35 минг сўм кўпдир, яъни агарда сигирларнинг сервис даври 58, соғим даври 296, сутдан чиққан даври 58, туғишлараро даври 336 кун давом этса, сигирлардан энг яхши даромад олинар экан.

Айрим вазиятларда сигирни куйга келган вақтида қочирмай кейинги куйга келганида қочириш мумкин бўлади. Бундай вазиятда лактацион давр давомийлиги чўзилади. Шунинг учун сигирларни қочириш ишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Демак, физиологик даврларнинг оптимал давомийлиги сигирларнинг келгуси пуштдорлик қобилиятига, сут маҳсулдорлигига ижобий таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдолниёзов Б.О. Хоразм чорвачилиги. Қизил чўл зотли қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилашнинг илмий ва амалий асослари. Докторлик диссертация, Тошкент, 1999, 160161 бетлар
2. Бегучёв А.П. Технология молочного скотоводства, Москва, «Колос», 1974, с.151-160
3. Дунин И., Лазова Г., Аджибеков И., Чочетков А., Чекунин А. Потенциал развития и конкурентоспособность красно-пестрой породы скота в Российской Федерации, ФГБНУ, ВНИИплем, 2013, с.88

Афсуски, бугун жойларда жунни қайта ишлаш тизими етарли даражада ташкил этилмаган. Шу боис бу маҳсулот кадрсиз бўлиб қолмоқда. Қирқиб олинган жуннинг харидорини тополмай маҳсулотни бир чеккага ташлаб қўйган чорвадорлар оз эмас. Аслида жунни қайта ишлаш қони фойда, табиий жундан тайёрланган кийим-кечакнинг инсон танасига бекиёс куч ато этишини, бу неъматнинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини ҳам тиббиёт алломалари бот-бот ёдга соладилар.

Демак, Президентимиз ташаббуслари билан бошлаб берилган туб иктисодий ислохотлар ўз меваларини кўрсатар экан, чорвадор туманларда ҳам жунни қайта ишлаш корхоналари пайдо бўлади ёки йирик корхоналар худди шу жойларда қасаначиликни ташкил этадилар, бебаҳо неъмат – жун бурунгидек кадр топади деган ниётдамиз. Дарвоқе, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар юртбошимизнинг халқларвар сиёсатларини қўллаб-қувватлаган ҳолда амалий ишга тезроқ ўтишлари лозим.

Хозирча эса биз яна жун маҳсулдорлигини ошириш хусусидаги мақолага эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Тахририят

УДК: 636.933.2

Э.Шеров, магистрант,
А.И.Иноятов, доцент, Сам ҚХИ.

ТУРЛИ ЖУН-КОНСТИТУЦИЯ ТИПИДАГИ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРНИНГ ЖУН МАҲСУЛДОРЛИГИ

Аннотация

В статье приведены материалы по изучению настрига шерсти, состав и тонина шерстных волокон каракульских овец разных типов конституции.

Ключевые слова: настриг шерсти, тонина, шерстных волокон, каракульских овец, типов конституции, шерстно-конституциональный тип.

Жун ўзининг механик ва физик хоссаларига яъни иссиқликни ўзида сақлаши ва ўтказмаслиги, эгилиувчанлиги, чўзилиувчанлиги ҳамда мустаҳкамлиги ва бошқа технологик хусусиятларига кўра бошқа барча турдаги толалардан устунлик қилади. Шу сабабли инсоният жундан турли либос ва материал сифатида эрамиздан беш минг йиллар олдин фойдалана бошлаган. (Ш.М.Ризаев ва бошқалар 1985).

Республикамызда урчитиладиган (қоракўл, ҳисори, жайдари) зотли қўйлар ишлаб чиқариш классификациясига кўра дағал жунли-таркибида тивит, оралик ва қилчик тола аралаш учрайдиган қўйлар тоифасига кириб, мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган жуннинг 70% қоракўл зотли қўйлардан олинади.

Қоракўл қўйлари асосан қоракўл тери олиш учун урчитилсада, улардан гўшт, сут, пўстинбоп тери ва технологик жиҳатдан жуда қимматли бўлган жун олинади. Жун нафақат товар, балки қўйларнинг биологик хусусиятини белгиловчи маҳсулот ҳисобланади. Қоракўл қўйлари селекциясида жуда қадимдан қўйларни жун-конституционал типни бўйича баҳолаш қўлланилган. Бу систематикага кўра қоракўл қўйлари тўртта типга бўлинади.

Ўзамай жун-конституция типидagi қўйларнинг тана суяклари нормал ривожланган, экстерьерни нуқсонлардан ҳоли, зот белгилари яхши ифодаланган, териси юпка ва пишик. Жунни майин, ўртача узунликда, етарли даражада қуюқ, жун толаларининг устки қисмида тарам-тарам бўлиб ўрилган кокилчалар бўлади. Жун қоплами таркибида жуда йўғон қил ва жуда ингичка ёки қиска тивит толалари учрамайди. Жунининг мойлилик даражаси юқори бўлади. Тана қисмлари (боши, оёғи, ва қорни)нинг жун билан қопланиш даражаси яхши. Жун қоплами текис.

Ўзамай жун-конституция типига мансуб бўлган қўйларни барча экологик ҳудудлардаги қоракўлчилик хўжалиқларида урчитиш мақсадга мувофиқ. Бу типдаги

Summary

The report dives information about the percent of kararul sheep – breeding, the structure of slim and the heavy of slim and others.

Key words: percent, kararul sheep, slim, others, heavy of slim.

қўйлар соғлом, мустаҳкам конституцияли, ташқи муҳит таъсирига ва касалликларга чидамлилиги юқори. Сурувни такрор тўлдириш хусусияти яхши.

Бундай қўйларни ўзига мос типдаги қўчқорлар билан қочирилса, одатда юқори сифатли, ярим доирали, қалам гулли тери олинади ва қўзилари соғлом, маҳаллий шароитга чидамли бўлиб туғилади.

Оқ гул жун-конституция типидagi қўйларнинг тана суяги оғир, боши кўпол, жунни дағал, йўғон, узун, қилтик қолға бой, тивити кам бўлади. Жунлари кам ўрамли, баъзан тўғри, ўралмаган катта-катта кокилчалардан иборат бўлади. Тана қисмларининг жун билан қопланиш даражаси паст.

Оқ гул типидagi қўйларнинг териси қалинлашган ёки қалин, қоракўл терисидagi гуллари катта, жунни зич эмас, ўсик жунли тери беради.

Нозик жун-конституция типидagi қўйларнинг жун қоплами қуюқ, мулойим, ярим дағал, қалтароқ, жун қоплами қўнғирокли штапелли кокилчалардан иборат бўлади. Йўғон толалар оралик толалардан ташкил топган бўлиб, узунлиги тивит толасига тенг бўлади, жуннинг мойлиги меъёрда. Бош ва оёқларининг жун билан қопланиш даражаси одатда яхши. Жун қоплами “қиррик” қўйларниқига нисбатан эртaroқ қўнғирлашади ва оқаради. Суяклари мустаҳкам конституцияли қўйлар каби яхши тараққий этган бўлади.

Бу типдаги қўйлар кўпинча яхши сифатли, майда гулли, юпка ва вазни енгил терили қўзилар беради.

Қирик жун-конституция типни ёки жуда нозик қўйларнинг тана суяклари ва боши енгил, териси жуда юпка, жун таркибида тивити жуда кўп, жунни қиска, тарам-тарам, буралиши жуда қучли, кам оқарган, кўпинча қуруқ жунли штапелли кокилчалардан иборат бўлади. Тана қисмлари қалта, қуруқ тола билан қопланган. Жун маҳсулоти қичими бошқа жун-конституция типидagi тенгқурлариникидан кам. Бу типдаги қўйлардан олинган қўзиларнинг қоракўл сифати паст, кўпинча жунни қуруқ, ялтироқлиги хира, гул ўлчамлари майда бўлади.